



Мусулмонларнинг Москов кенгашидан сўнг Туркистондаги рус идора тарзида ва туркистонликлар кураши мохиятида ҳам ҳеч қандай ўзгаришлар кузатилмади.

1917 йил май ойининг охирида Туркистоннинг вақтинча ҳукумати бошлиғи Шчепкин амалидан тушиб, Тошкентдан кетди. Кейин Преображенский, Максудий ва Давлатшинлар ҳам вазифаларидан озод бўлдилар. Тинишбой ва Шкапский Еттисувдаги вазиятни ўрганиш билан машғул эдилар. Анжуман ишлари «Ишчи, аскар ва дехкон шўроси» кўлида кўгирчокдек ўйнайдиган Елпатовский ва Зияпковский кўлида қолди. Туркистонликлар ва шўро ўртасида ҳукумат анжуманига аъзолик ҳақидаги музокаралар ойларга чўзилди. Лекин кимлар ҳукумат аъзоси бўлиши кераклиги ҳақида томонлар бир битимга кела олмади. Туркистон миллий маркази билан ҳукумат анжумани орасидаги учрашувлар туркистонликлар ахволининг яхшиланишига хизмат қилмади. Бу ташкилотларнинг бирортаси, на ҳукумат анжумани ҳамда Туркистон миллий марказ шўроси Туркистон халқига кенглик ва низом бериш, эҳтиёжларини қондириш ҳолатида эмас эди. Мустафо Чўкай ўзининг хотираларида: «Севинч қиска бўлди, ҳаёл бўлиниши кўп бўлди» (Чўкай ўғли (10) 21-6.) деганда тўлиқ ҳақ эди. Чўкай Керенский ҳукумати даврида шахсан алоҳида раҳбарлик ролини ўйнаганлиги учун ҳам унинг асарларига

ишончли манба сифатида қараймиз.

1917 йил 17 апрелидаги Туркистон мусулмонларининг кенгашида ҳукумат анжумани туркистонликлардан ташкил қилиниши ҳақидаги туркистонликлар истакларига «Ишчи, аскар ва дехкон шўроси» вакили Никора шундай жавоб берган:

«Инкилоб рус инкилобчилари, рус ишчилари ва рус аскарлари томонидан амалга оширилди; шунинг учун Туркистонда куч ва идора бизнинг қўлимиздадир. Ерлик халқ қўлига ҳокимият бериш даражасига етилмаган».

Никоранинг бу сиёсий шаллақилигига қарши Туркистон вакиллари номидан Шоислом шундай жавоб берди:

«Модомики, инкилобни руслар қилган экан, у ҳолда бу ҳақида Русияга бориб бақирсинлар. Инкилобни қимлар қилганлиги бизни қизиқтирмайди, биз ўз ҳуқуқларимизни истаймиз! Никоранинг нутқи билан руслар Туркистондаги ҳокимиятни мустаҳкамлашга бел боғлаганлигини очик билдирдилар. Агар шўро (ишчи, аскар ва дехкон шўроси - муаллиф) чор тузумининг меросхўри бўлиб уни қўрир экан, биз бундан тегишли ҳулосалар чиқармоғимиз керак»(МТ, 1942, №3, 9-6.).

Туркистонликлар билан руслар орасида келишмовчилик бошидан қучайиб бораётганини қўрган шўро Никора нутқи юзасидан фикр билдирмади. Бошқа бир ўринда, яъни «Ишчи, аскар ва дехкон шўроси»нинг Тошкентда чиқадиган «Туркестанский курьер» расмий рўзманинг 1917 йил сентябридаги сонидан шундай фикрни учратамиз: «Бир вақтлар рус тўпларига юкланган вазифалар, ҳозир рус ишчилари ва аскарлари воситасида амалга оширилмоқда. Инкилобчи ишчилар, аскарлар ва дехконлар расман чор Русияси жанобларидир»(Чўкай ўғли (10) 21-6.).

Бир томондан, шўронинг расмий вакили Никоранинг нутқи ва газетадаги чиқишлари, иккинчи томондан, халқнинг оғир аҳволи туркистонликларнинг «инкилобий демократия»га бўлган ишончларини тўлиқ йўққа чиқарди. Туркистон дехконларининг рус идораси ва рус аскарлари устидан шикоятни писанд қилинмади. 1917 йил май-июнида Туркистонда шароит нихоятда оғирлашди(Шўрога тушган шикоятларда, масалан, Газали туманининг аҳолиси шикоятида шундай дейилади: «Инкилобдан кейин яхши бўлиб қолар деган умидда эдик. Бирок аслида, бунинг тесқариси бўлиб чиқди. Қундан қунга қатли ом авж олмоқда. Қуролланган рус аскарлари ва ишчилари уйма-уй юриб, гўё инкилоб қурбонлари учун қўлига илинган ашёларимизни тортиб, босиб олмоқдалар. Қимда яхши гилам ёки олтин-қумушдан қилинган нарсалари бўлса, сўраб-суриштирмай тортиб олмоқдалар. Биз жазо отрядлари назорати остида яшаймиз... Эски тузум ёмон бўлишига қарамай, хотинларимизнинг номусига ҳеч қим тажовуз қилмаган, ҳозир шундай хо-дисаларнинг гувоҳи бўлишга мажбур бўлдик». Киёсланг. Е.Федоров. Очерки революционного движения. - Москва: 1926, 63 - 64 б.).

Туркистон халқи бу ердаги русларнинг емагини таъмин қилмоққа мажбур эди. Жабха эҳтиёжлари ва тақсимот қийинчиликлари озик-овқатнинг Русиядан Туркистонга олиб келишига тўсқинлик қиларди. Мамлакатни ёғма (талон-торож) қилиниши, емак турларига солинадиган қатта-қатта солиқлар, халқни иқтисодий танг ахволга солиб қўйди.

Маҳаллий «Ишчи, аскар ва дехкон шўролари», рус аскарларининг бебошлиги туркистонликларнинг инкилобга бўлган муносабатларидаги қўрқинчли яна бир қарра оширди. Оқмачит аҳолиси рус аскарларининг бебошлиги устидан Сирдарё ўлкаси ҳукумат ижроия анжуманига шикоят қилди. Июнь ойида ҳукумат ижроия анжумани вакили сифатида Чўкай Оқмачитга бориб вазиятни ўрганди. Маҳаллий «Ишчи, аскар ва дехкон шўроси» бошлиғи Аганов Чўкайни қуйидаги сўзлар билан қутиб олди: «Сизнинг бу

ерда ажрим киладиган нарсангиз йўк! Рус ишчилари ва аскарлари инкилобий тартибларни рўёбга чикариш ҳукукига эга!»(Чўкай ўгли (10), 19-6.).

Чўкай шундай жавоб берди: «Туркистонда ҳеч қандай киладиган иши йўк рус аскарларини 6 ой аввал чор Русияси ҳукуматининг ишини қилар ва Туркистоннинг қонли душмани эдилар. Рус ишчиларининг ҳам улардан фарқи йўк. Ҳаммангиз ҳам «инкилоб тартибларига» кўра Туркистон халқини талаш билан машғулсиз»(Чўкай ўгли (10), 19-6.). «Ишчи, аскар ва дехқон шўроси» русларининг шу тарздаги ҳаракатлари Туркистон миллий марказининг жуда кўп норозиликларига сабаб бўлди. Миллий марказ шўролар ўз вазифасини Миллий марказ масалалари билан мослаштириши керак, деб ҳисоблади(УТ, 1936, №(83) 17-6.). Бундан ташқари, улар рус анархистлари фаолиятини тугатишни ва туркистонликларга қарши қурол ишлатишни мутлақо тўхтатишни талаб қилди. Бу норозилик мурожаатлари эътиборсиз қолди. Халқ овозасиз норозиликлар билан бирон нарсга эриша олмаслигини ҳис қилди. Июнь ойида Окмачит шаҳри ваунинг атрофидаги аҳоли шўроларга қарши намойишга чиқди. Бу намойишлар қонга ботирилди. Керенский ҳукумати билан туркистонликлар орасидаги муносабат ниятда таранглашди.

1917 йил 6 июнда турк қавмларнинг Қозондаги умумий ташкилоти бўлмиш миллий марказ шўроси Русия мусулмонларига мурожаат қилиб, унда барқариб ҳаётда ҳаракат қилишга ва «Демократик Русия»га ишонч билдиришга қарор қилди(Von Hende, Der Nationale Kampf, Батафсил маълумот учун қара: 126-6.). Бу ҳаётда қандай йўл билан амалга оширилиши қўрсатилмаган ҳолда «Ислом демократияси» ҳақида ҳам гап бор эди. Шундан қўринадик, инкилоб давридаги турк қавмлари йўлбошчиларининг «рус демократияси» учун саломатлик тилаши» бир одат тусига қирғанди. Руслар ўз имтиёзларини сақлаб қолиш учун ҳаракатини давом эттирдилар. 1917 йил 24 июнида Михаил Сосновский бошчилигидаги «рус оммавий ташкилотлари иттифоқи» Тошкент ҳукумати анжуманига бир лойиҳа топшириб, унда руслар учун ерликлардан фарқ қилувчи идора талаб қилинди. Бу билан Туркистондаги рус озчилиги маҳаллий аҳоли ҳисобида ўзлари учун бир имтиёзли идора тартибини ташкил қилмоқчи бўлишди. Бу лойиҳа амалда қандай шаклда намоён бўлишини на ҳукумат анжуманидагилар, на шўродагилар билмаганликлари учун қабул қилинмади. Бунинг ўрнига ўруслар учун Ўрусия конституцион мажлисида алоҳида сайлов округлари ташкил қилиниши ҳақида июлда берилган иккинчи лойиҳа Туркистондаги барча руслар томонидан мамнуният билан қабул қилинди ва шўролар томонидан қабул қилинди. Мазкур иккинчи лойиҳа қонун чиқарувчи мажлисда руслар аксариятни ташкил этишини таъминлаш учун ўзларига махсус сайлов округларини таъсис этишни мақсад қилиб қўйғанди. Шўронинг бу нияти Туркистон Миллий маркази норозиликлари ва қарши тадбирлари туфайли рўёбга чиқмади.

«Миллий марказ 3 сентябрь 1917 йилда Туркистон мусулмонларининг 2 кенгашини қарор қилди. Қенгашда асосий масала бутун Русияга оид конституция ишлаб чиқарувчи мажлис сайланиши билан боғлиқхотирликлар эди.

Муваққат ҳукуматнинг сайлов низомига кўра, конституция чиқарувчи мажлисга туркистонликлар учун 35 курси ажратилган эди. Қенгаш буни маъқуллади ва сайловлар 5 туманга бўлинган ҳолда ўтказилиши белгиланди(Сайлов минтақаси сифатида Фарғона, Ёттисув Сирдарё, Самарқанд ва Ҳазар вилояти тақдир қилинди. Қиёсланг: Чўкай ўгли (10), 96-6.). Руслар бунга қарши махсус ўзларининг сайлов туманлари бўлишини талаб қилишди. Қенгаш уларнинг талабини қондирмади. Ақсинча, Тошкент «Ишчи, аскар ва дехқон шўроси»нинг руслар учун мўлжалланган махсус сайлов

туманларини бекор килишни талаб килди. Кенгашдан сўнг миллий марказ билан рус партиялари Туркистондаги руслар учун конун чиқарувчи мажлисга 3 та курси берилиши юзасидан бир қарорга келишди.

Хукумат анжуманидан Шчепкин ва яна уч аъзонинг май ойида чиқиб кетганидан сўнг Хукумат анжумани ишларини қолган беш аъзо давом эттирдилар. Август ойида Керенский Сирдарё ижроия анжумани бошлиғи Наливкинга Хукумат анжуманини тузишни топширди. Наливкин август ўрталаригача шу билан машғул бўлиб, анжуманни аксарияти туркистонликлардан бўлишига уринди. Туркистон ҳукумати анжуманининг факат туркистонликлардан ташкил қилиниши Керенскийнинг ва «Туркистон ишчи, аскар ва дехкон шўроси»нинг ниятида йўқ эди. Керенский 1916 йилдаёқ Туркистон ҳукуматида руслар ва туркистонликлар миқдори тенг бўлишини истаганди. 1916 йилги Туркистон кўзголонининг сабабларини текшириш учун Андижонга келган Керенский ўз нутқида халққа мустақил Туркистонни қандай тасаввур қилишини баён қилган эди (Керенский шундай деган эди. «Рус демократияси подшо Россиясининг деспотик сиёсати учун ҳеч қандай жавобгарлик ҳис қилмайди. У давлат идорасини халқ қўлига бериш учун ҳаракат қилмоқдаки, бундан руслар ва туркистонликлар тенг ҳуқуққа эга бўлиб фойдалансинлар». Киёсланг: Benring, Das Turkestanische Volk, 130-6. М.Чўкай, Керенский ва Туркистон миллий ҳаракати. ТУ, 1930, №9-10, 22-6.). Гарчи Керенский бирмунча қулайликлар яратишга тайёр бўлса ҳам факат Туркистон ҳукумати туркистонликлардангина бўлишини хоҳдамасди.

1917 йил 12 сентябрида коммунистлар, яъни сўл радикал социал ишлар ҳамда уларга яқин бўлган Черенявский, Парфилов, Ванштейн ва Домагацкийлар бошчилигидаги ижтимоий инқилобчилар «Инқилобий ижро анжумани» туздилар. Бу анжуман Туркистон вақтли ҳукумати анжуманига қарши тузилди. Туркистонликлар томонидан қўллаб-қувватланган бу гуруҳ 2 та ҳарбий ўқув юрти тўдаларига суянган ҳолда 13 сентябрда ҳукумат анжуманини тан олмаслигини эълон қилди («Kolnische Volks teitung». 2 октябрь 1917, №22 (телеграф ха-бари, 2.10.1917) «Тошкентдан олинган бир телеграфга биноан: бир сиёсий ташвиқотчи гуруҳи мажлисни ташлаб чиқиб кетгач, ўзларини Инқилоб қўмитаси деб атаган ва шаҳардаги ҳокимиятни қўлга олган ҳамда шаҳардаги икки майдонни эгаллагандан сўнг муваққат ҳукуматни ортиқ тан олмаслигини билдирганлар, шаҳар қалъасини ишғол қилган ҳарбий ўқув юрти талабалари бу борада халқни қўлламоқда».).

Бу тўсатдан берилган зарба икки кун орасида ҳукумат анжумани томонидан бартараф қилинди. «Инқилобий ижро анжумани» вақтли ҳукумат анжумани бошлиғи Наливкин билан учрашишга мажбур бўлди. Бу орада Керенский генерал Коровниченкони Туркистоннинг бош комиссари этиб тайинлади. Шунинг учун Наливкин анархистларга тўсик бўлиш ниятида «Инқилобий ижро анжумани» тарафидан тайёрланган мазкур анжуманни тан олиш ҳақидаги ҳужжатга имзо чекди (Gastagne, Le Turkestan, Хужжатларнинг асл матни: 38 - 39 б.).

1917 йилнинг охири чорагида Чўкай, Норбўтабек, Пўлатжон ва Шоисломлардан иборат хайъат Туркистоннинг истикболдаги тузилишини белгилаб олиш учун Петербургга, Керенский ҳузурига йўл олди. Бу хайъат Туркистонда русларга қарши қайфият қучая бошлаганини ифода қилиши керак эди, аммо бирон натижага эришмай орқага қайтди. Шу муносабат билан Керенский ўз эхтиросини қуйидагича баён қилди: «Билдирилганидай, Туркистонда Россияга қарши ҳаракат етилаётганига ишонмайман. Агар шундай бўлганда ҳам шуни айтишим керакки, уларга қарши энг дахшатли воситалар қўлланилажакдир».

Эхтимолли кўзголонни бостириш учун Керенский Туркистонда уч дивизия асрар эди(Тўплам, «Революция и Восток». - Москва: 1933, No5,110-6.). Коммунистларнинг 13 сентябрь ҳаракати ҳам Керенский учун бир сабоқ бўлиб, Туркистондаги ҳукумат анжуманини назоратга олиш ва Туркистондаги галаёнларни бартараф қилиш учун бош комиссар тайин этди(«Kolnische Volks teitung», 12 октябрь 1917, NoSOI: «Генерал Коровниченко Тошкентга келди ва кўзголончиларнинг хуррият уйини (Инкилобий ижроия анжумани) ишғол қилди. Инкилоб анжумани аъзоларини қўлга олди».).

Бош комиссар генерал Коровниченко Туркистонга келгач, «Миллий марказ» унга ўз қарашларини баён қилди. Миллий марказ ҳукумат анжуманини тузиш Туркистон миллатларининг ўз иши деб тушунишини билдирди. Бош комиссар билан учрашувларда «Миллий марказ» шундай шартларни қўйдики, агар улар қабул қилинган тақдирда, «Миллий марказ» билан ҳукумат анжумани ҳамкорлик қила олиши мумкин эди. Бу шартлар қуйидагилардир:

1. Хозиргача туркистонликлар ва руслар учун жорий бўлган алоҳида-алоҳида адлия мезони йўқ қилиниши ва адлия ишлари тўлиқ туркистонликлар қўлига берилиши лозим.
2. Туркистонликлар ўз миллий мажлисига эга бўлиб, бутун қонунлар ўша мажлис томонидан яратилади. Туркистонда хозиргача қонун чиқариб келган рус органлари қонундан ташқари деб эълон қилинмоғи керак.
3. Сайлов низоми (русларга алоҳида имтиёз берган Низом) ҳаракатдан тўхтатилсин.
4. Хозирдан эътиборан Туркистондан рус аскарлари чиқарила бошлаши ва уларнинг ўрнига татар-бошқир аскарлари жойлаштирилиши лозим.

Бош комиссар дастлабки уч моддани юзаки қабул қилгандай бўлса ҳам 4-модда уни тараддудга солди ва буни ўрганиб чиқиш кераклигини билдирди. Бош комиссар Туркистондаги вазиятни ўргана бошлаган, руслар ва туркистонликлар қарашларидаги тафовут-ни аниқлай бошлаган бир вақтда Керенский ҳукумати миллий сиёсат борасида янги йўриқ қабул қилди(«Kolnische Volks teitung» 11 октябрь 1917, No 799. Петербургда телеграф хабари: «Ҳукумат ўқийўриқ мажлиси ташкил қилажаги ва ҳар бир миллат ўз тақдирини ўзи белгилашини тан олажаги ҳамда айни замонда миллий масалалар бўйича алоҳида шўро тузилишини билдиради». Ҳукуматнинг бу дастури амалга ошмади.). Бу орада Русия марказидаги социал инкилобчиларнинг сўл қаноти ва коммунистлар Керенский ҳукуматини ағдаришга ҳозирланмоқда эдилар. Бу ҳозирликлар Петербургдагина эмас, Тошкентда ҳам бошланди.

1917 йил 4 ноябрида Тошкентдаги Тупроккўргон гарнизони ўз қуроллари Керенскийнинг маданий ҳукуматига қарши қаратди. 4 ноябрдан 5 ноябрга ўтар кечаси Тошкентдаги рус коммунистлар бир зарба билан ҳокимиятни қўлга олиш юзасидан мажлисга йиғилдилар. Бу вақтга келиб, аскарлар бош комиссар буйруқларига итоат этмай қўйгандилар. 7 ноябрь 1917 йил Петербургдаги коммунистлар инкилобидан кейин, 11 ноябрь кунини рус аскарлари Тошкентдаги Муваккат ҳукумат анжумани биносини ишғол қилдилар.

Коммунист ва коммунист бўлмаган руслар орасида Туркистондаги ҳокимият учун

Муаллиф:

26.03.2024 12:06 -

---

жангларида «туркистонликлар рус инкилоби ҳамда ўз фожиасининг бетараф бир томошабини бўлиб қолдилар». Туркистонликларнинг томошабин бўлишдан бошқа чораси қолмагани, чунки уларнинг қуроли йўқ эди. Туркистон йўлбошчилари ҳамжихат эмасдилар. Рус партиялари эса бундан буён ҳам Туркистонни ўз қўлларида сақлаб қолиш борасида яқдил эдилар.

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан